



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-255

2020 йил " 2 " июл

№ 1044

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғидаги  
"Махмуд Акманов" фермер хўжалигига  
қўшимча ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни, "Махмуд Акманов" фермер хўжалиги раҳбари М.Ақмановнинг қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов якунлари натижаларига, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосасига ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов якунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғидаги "Махмуд Акманов" фермер хўжалигига Боголон қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги № 37 -контурларда жойлашган жами 0,1 гектар, шундан бошқа ерлар 0,1 гектардан иборат ер участкаси қўшимча ажратиб берилсин.
3. "Махмуд Акманов" фермер хўжалиги ҳисобида № 415к, 425к, 111к, 115, 72к-контурларда жойлашган умумий ер майдони 13,5 гектар, шундан боғзор ерлар 12,4 гектар, ариқ ва зовурлар 1,1 гектар, бошқа ерлар 0,1 гектардан иборат ер майдони эканлиги қайд қилинсин ва боғдорчилик йўналишида фаолиятини давом қилдиришга руҳсат қилинсин ҳамда ижара муддати (39 йил) қилиб белгилансин.
4. "Махмуд Акманов" фермер хўжалигига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Махмуд Акманов ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.
5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.
6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.
7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.
8. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳокими

Ў.Курбанов